

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

18 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини 2005 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида чакриши тўғрисида қарор қабул қилди.

Ялпи мажлис муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Муваққат регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2004 йилги фаолияти тўғрисидаги масалалар киритилмоқда.

Ушбу масалалар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамасига Олий Мажлис Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдинова бошчилигида ишчи гуруҳ тuzилди.

(УзА)

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 апрел куни Оқсаройда Грузия Бош вазири Зураб Ногаиделини қабул қилди.

Урашувда ўзаро алоқаларимиз тарихий дўстлик ва анъанавий ҳамкорлик таъминлаш асосида ривожланиб бораётгани таъкидланди. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, талай халқаро масалалар борасида ҳамфикрлик.

Савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми олдинги йилга нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди. Мамлакатимиздан Грузияга озиқ-овқат ва нефтни қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг экспортини ошириш борасида, Грузиянинг Потти бандагроҳи Ўзбекистон товарларини дунё бозорига чиқаришда муҳим ўрин тутади.

Ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ваколатхоналари ва савдо уйлари очиб, ли-

зинг ва консигнация асосидаги ҳамкорликни қарор топтириш масалаларини ўрганмоқда.

Президент Ислам Каримов икки томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтириш учун Ўзбекистон ва Грузияда улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бу имкониятларни тўла ишга солиш борасидаги фикрларини баён қилди.

З.Ногаидели самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириш экан, Грузия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Урашувда мавжуд имкониятларни кенгроқ ишга солишга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган айрим халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(УзА)

## Куннинг муҳим воқеалари

- Ўзбекистон Республикаси Президенти «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорга имзо чекди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ Демократик партияси фракцияси ўзининг навбатдаги йиғилишини ўтказди.
- БМТнинг республикамиздаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган урашувда Ўзбекистон делегациясининг БМТ Хотин-қизлар аҳоли бўйича комиссиясининг 49-сессиясида иштироки яқунлари муҳокама этилди.
- Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирининг электроника, тўқимачилик ва кимё саноати бўлими бош директори Енг Сан Шин раҳбарлигидаги делегация «Ўзбекистон саноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Бахромов билан учрашди.
- Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Бошқаруvinинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Республика деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Навоий вилоятида фермерликни ривожлантириш мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.
- Ўзбекистон олимияи шон-шухрати музейида «Хотин-қизлар ва спорт» мавзусидаги республика семинари ниҳоясига етди.
- Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида бир ҳафтадан буён давом этаётган «Фьючерс» халқаро турнири яқун тоғди.
- Хоразм вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика ўйинлари худудий босқичи доирасида оммавий спорт мусобақалари яқунланди.
- Пойтахтимиздаги Гафур Гулом уй-музейида ўтган адабий-илмий конференция «Еш авлод таълим-тарбиясида Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусига бағишланди.
- Бухорода чехиялик фотосураткашлар Мирослав Зикмунда ва Иржи Ганзелкаларнинг 1947-1950 йиллардаги Марказий Осиёга қилган экспедицияси вақтида тушган фотосуратларининг кўргазмаси намойиш этилмоқда.
- Пойтахтдаги Бунёдкор ёшлар телеклубида болаларнинг иxtирочилик қобилиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижодор — иxtирочи болалар» танлови ўтказилди.

## “Қишлоқ ҳаёти”га жавоб берадилар “Ғаждумакда газнинг номи бор, ўзи-чи?”

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2005 йил 22 феврал сонида “Ғаждумакда газнинг номи бор, ўзи-чи?” сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Ана шу мақола юзасидан жавоб хати олинди.

“Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар “Бухорогаз” худудий газ таъминот корхонаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва куйидагиларни маълум қиламиз:

С.Жабборов номли ширкат хўжалиги 1982-1983 йилларда газлаштирилган бўлиб, уй-жойлар сони ва истеъмолчиларнинг эҳтиё-

жидан келиб чиққан ҳолда газ қувурлари қурилган эди. Худудда янги яқна тартибдаги уй-жой қурилиши ва истеъмолчиларнинг ортиб бориши натижасида ҳамда ширкат хўжалиги газ билан таъминловчи “Қизил-Тепа” газ тақсимлаш станцияси бўйича охириги газ олувчи истеъмолчиси бўлган сабабли мавжуд қувурлар қувати ҳисобига аҳолига газ етказиб беришда муаммолар юзага келган.

Вилоят аҳолисига узлуksиз табиий газ етказиб бериш мақсадида 2005-2010 йилларда газлаштирилган бўлиб, уй-жойлар сони ва истеъмолчиларнинг эҳтиё-

жидан келиб чиққан ҳолда бўлиб, дастурга асосан 2005 йилда 1,9 километр ўрта босим ва 3,6 километр паст босимли, диаметри 32, 40, 57 мм.ли мавжуд газ қувурларини диаметри 114 мм.ли қувурларга алмаштирилиши режалаштирилган. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобига С.Жабборов номли ширкат хўжалигининг Ғаждумак қишлоғи аҳолисини узлуksиз табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида зарурий чоралар кўрилмоқда.

Н.ҲАМДАМОВ, вилоят ҳокимининг ўринбосари”.



## Бунда ёшлар топади камол

Ромитан туманидаги Газли шаҳарчасида янги қурилган мактаб замон талаблари даражасида жиҳозланган. 750 ўқувчи таълим олаётган бу мактабда компьютер, турли машгулот ва тўғрақлар хоналари, маданий тадбирлар ўтказиш зали ўқувчилар ихтиёрида. Билим масканида фан сирларини ўрганиш, спорт билан шуғулланиш учун ёшларга зарур шарт-шароит муҳайё этилган.

СУРАТЛАРДА: 32-мактаб ҳаётидан лавҳалар.



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

## Экиш давом этмоқда

Олинган маълумотларга қараганда, бугунгача республикамиз бўйича жами 934,6 минг гектардан ошиқроқ майдонда чигит экиш ишлари ниҳоятланди.

Мавсумда 12494 та чигит экиш агрегатлари кучидан фойдаланилаётган бўлиб, уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 9,1 гектар майдонга уруғлик қадалмоқда.

Сурхондарёлик деҳқонлар хозиргача

экиш ишларини 94,1 андижонликлар 85,2, бухороликлар 85,1, қашқадарёликлар 75,4, наманганликлар эса 70 фоиздан оширишди. Қолган вилоятларда ҳам чигит экишни тезроқ тугаллаш чоралари кўрилмоқда.

\*\*\*

Амалдаги йилда 100 минг гектар майдонга чигит экиб, ундан мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаётган хоразмлик миришкорлар айни кунларда мавсумни тез

## ЖАРАЁН

ва сифатли ўтказишга эътибор қаратишмоқда. Шу кунгача 40 минг гектар майдонга уруғ қадд бўлинди.

— Кунига 8-8,5 минг гектар майдонга чигит экиляпти, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Уктаббой Маширапов. — Айниқса, “Магnum”ларга тиркалайдиган “Кейс” чигит экиш агрегатларидан 10 тасининг сотиб олинганлиги иш суръатини оширмоқда. Янги саялқалар ердимида кунига ўртача 50-60 гектар майдонга чигит қадалмоқда.

## Ер остидаги хазина

Сухбатдошимиз Уктам Ёров Шофиркон туманидаги Денов қишлоғида турилган. Мутахассислиги - тоғ инженерлиги. Иш фаолиятини Олой нефт-газ қидириш экспедициясида техник муҳандисликдан бошлаган.

1985 йилдан Коровулбозор нефт-газ қидириш экспедициясида бош муҳандис, 1992 йилдан “Ўзбекнефтегазгеология” ишлаб чиқариш бirlашмаси бош муҳандиси, 1998 йилдан “Ўзбурнефтегаз” акциядорлик компанияси бош директори вазифаларида ишлаган. 2001 йилнинг августидан бошлаб Фарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

— Уктам ака, ҳаётимизни сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунёда иччиллик суви муаммосидек долзарб масала аллақачон кун тартибига чиқиб улгурди. Шундай эмасми?

— Галингиз тўғри. Бугунги кунда дунёда ўз ечимини топмаган муаммолар улар ичида сувидек долзарб аҳамият касб этаётгани бўлма. Унинг “ХХI асрнинг стратегик муаммоси” дея эътироф этилаётгани бежизга эмас.

Маълумотларга кўра, ер юзининг 70 фоиздан кўп қисми сув билан қопланган. Лекин шунинг атиги 2,5 фоизини иччиллик суви ташкил этади. Унинг ҳам катта қисми табиий музликлардан иборат.

Иччиллик суви муаммоси, айниқса, республикамиз, жумладан, Бухоро вилояти учун аҳамиятлидир. Чунки шаҳар ва ҳудуд кўп аҳоли пунктларининг иччиллик суви бўлган ахтиёнки ер ости сувлари ҳисобидан қондирилмоқда. Лекин бир қатор қишлоқларимиз ханузгача очик сува хавзаларидан фойдаланишяпти. Холбуки, бу сувлар таркиби талабга жавоб берадими.

— Жамонатнинг айнан шу муаммоларини ҳал этиш йўлида фаолият кўрсатаёпти. Ишлар қандай самара бериюмқда?

— Аввало таъкидлаш жоизки, мустикаликка эришилганидан сўнг ҳукуматимиз аҳолини тоза иччиллик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилди. Улар ҳаётда изчил таъбиқ этиб келинаёпти. Экспедициямиз жамонасига келсак, биз республикамизнинг бешта вилоятида гидрогеологик тадқиқот ишларини олиб бораёямиз.

(Давоми 2-бетда)

## МУЛОҲАЗА

Бекатда турган 5-6 ўспирин бир донга сигаретани навбатма-навбат, ютқуб-ютқуб чекшяёпти. Навбати келганининг оғзида бурқсиётган сигаретга беҳаловат тикилиб турган бу болаларнинг нигоҳларида фаҳат совуққонликни пайқайсиз.

Каравотда гужанак бўлиб ётган қиз оғриқнинг зўридан

## Бола нега сигарет чекади?

қашқасидай ёзиб қўйилган. Бундай ёзувлар жамоат транспортлари ўриндиқларини ҳам бежаб турибди.

Балогат остонасини эндигина хатлаган қиз баданини яширолмаган ҳарир либосида, баъзилар ижирганиб, баъзилар сўк билан, баъзилар эса хайрат-ла қараб турганларга беларво, аксинча, кўзида мамнунлик учкунлари ёниб йўлида давом этмоқда.

ранги кўқариб кетган, тираб-қақшайди. Онаси унинг сўнги пайтларда ўзгариб қолганидан бесаранжом. Ҳозир қизларни, мактабни битиришини кутмай, эрга беришяёпти. “Қиққан жойга турмушга берсак... ўзидан тинчсиз қизимиз”, — дейди она ҳиқиллаб. Ота эса, тинглашга тоқати йўқ, қайғоват шошади.

(Давоми 2-бетда)

## Чигит ўғрилари

...Кенаслиқ Ваҳобжон Қосимов бирорта улфатини учратиб қоламани деб Мирзабуваннинг дўқони томон юрди. Дўқон ёнида Риштон туманининг Бўхай қишлоғилик Турсунали Тўйчиев билан гаплашиб қолди. Унинг қўлбола пахта ёғи ишлаб чиқарганда чеҳри бор экан. “Чигит керак, қилосини 80 сўмгача олавераман”, деди. Ваҳобжон Т.Тўйчиевга чигит тоғиб бериш ҳақида ваҳда қилиб юборди. Чигитни қаерга обориш зарурлигини билиб олди.

Шундан сўнг В.Қосимов “Богдод пахта тозалаш” ҳиссадорлик жамиятига келади. Коровуллар ичида илгари қамалиб чиққан Мансуржон Мадатовни топади. Мақсадини айтиб, чигит ўғрилари сўрайди. М.Мадатов ҳам навбатчилик кунини келавришини уқтиради. Февралнинг 15-25 кунлари оралиғида кеч соат бирлар чамасида Ваҳобжон М.Мадатов ҳузурини пайдо бўлади. У ҳар бир қоп чигит учун 1000 сўмдан олишини айтади. Хуллас, ўғрилар ўзаро келишишади. Сўнг В.Қосимов М.Мадатов кузатувида дарвоза орқали завод ичкаричига кириди. Ҳар бир қоп 20 килограмдан бўлган уруғлик чигитдан 5 қоп, 100 килограмм олиб, “Урал” мотоциклига юклайди. Давлат нархи 33743 сўм 32 тийин бўлган уруғлик чигитни Т.Тўйчиевга 7500 сўмга сотади.

(Давоми 2-бетда)

**ХАЛҚ БАНКИ**  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

## ТАҲЛИЛ

Самимий туйғулар билан шеър ёзгани келиб, қўлға қалам тутган киши кўнглига бегуборлик инди. Илҳом лаҳзаларига ошно бўлиш завқини туйган кўнглида ҳаминша шу завқ истаги уйғонверади.

Тўғри, бу ҳолатда шеър қандай қайақтангидан кўра

## “Шеър ёзгим келади...”

мисраларнинг пайдо бўлиши, қоғозга тушиши кўпроқ кўзга ташлангандай. Муаллиф назарини қайсидаир даражада яхши чиққан, яъни кимгадир кўрсатса, ўқитса бўладиган машқари билан кўпчилик танишини хоҳлайди.

Шундай истак билан бизга ўз машқарини йўллаган мухлисларимиздан кўплаб мактублар келиб турибди. Биз газетамизда

лардан фойдаланишга, имкон қадар мухлислар эътиборига ҳавола этиб боришга ҳаракат қиламиз. Албатта, газета саҳифаларида берилмаган шеърини машқар ҳам бизнинг назаримиздан четда қолмайди. Қўйда шуларнинг айримларини хусусида бироз мулоҳаза оритар эканмиз, бу борада бизнинг таҳлиллари-

миз ҳам маълум даражада нисбий эканлигини таъкидламоқчимиз.

Бу ижод намуналарини кўздан кечиранганимиз, аввало, ҳар бири кўнгли эҳтиёжидан туғилган, дилдан тўқилган самимий сўзлар эканлигини ҳис қилади киши. Улар орасидаги айрим шеърларда албатта бир-икки яхшигина мисралар борлиги диққатингизни тортади.

(Давоми 4-бетда)



**«O'zagrosug' urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi akциядорлари диққатига!**

«O'zagrosug' urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi Boшkarуvi 2005 йил 20 май куни соат 11.00 да акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 13 уй  
Кун тартиби

1. «O'zagrosug' urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi Кузатув кенгашининг 2004 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ва 2005 йилдаги вазифалари тўғрисида.
2. Компания Кузатув кенгаши таркиби тўғрисида.
3. Компаниянинг 2004 йилдаги Бизнес – режа кўрсаткичлари бақарилиши, иш фаолияти яқунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси қонунлиқ палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кўрсатилган устивор йўналишлар асосида 2005 йилда Компанияни ривожлантириш вазифалари тўғрисида.
4. Компаниянинг 2004 йил ақулари бўйича бухгалтерия балансини, молиявий натижалари бўйича ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Компаниянинг 2004 йилги молиявий фаолиятини текшириш яқунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор хулосаси.
6. Компаниянинг 2004 йилдаги фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
7. Компаниянинг 2005 йилга йўналган Бизнес – режасини тасдиқлаш тўғрисида.
8. «O'zagrosug' urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi тафтиш комиссиясини қайта сайлаш тўғрисида.
9. 2005 йилги Компания аудиторини тасдиқлаш.
10. «O'zagrosug' urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi Бошқаруви Раисини ёллаш шартномасини 2005 йилга узайтириш.

Акциядорлар реестри 2005 йил 20 апрел ҳолати билан ёпилади. Акциядорлар 2005 йил 20 соат 10.00 дан 11.00 га қўйилган олинди. Рўйхатдан ўтиш учун акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим.

Акциядорлар вакиллари рўйхатдан ўтиш учун шахсини тасдиқловчи нотариал идоралари томонидан тасдиқланган ишонномага эга бўлиши лозим. Акциядорлар умумий йиғилишида тегишли маълумотлар ва сизни қўзиқтирган саволлар билан, ўзингизга қўлай бўлган пайтда қўйиладиган телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: тел: 133-35-20, 133-31-32.

**«O'zagrosug' urta» DASK Кузатув кенгаши фаолияти тўғрисидаги муҳим хабарлар**  
Хабарноманинг тартиб рақами - 07  
Компания Кузатув Кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санои 2005 йил 18 апрел. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатининг санои 2005 йил 18 апрел.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорларнинг рўйхатини тайёрлаш санои 2005 йил 20 апрел.

**Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарор.**  
«O'zagrosug' urta» davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasining 2005 йил 1 январ ҳолатидаги баланси

№	Активлар	Маълумот
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	3507,0
2.	Капитал қўйималар	194,2
3.	Узоқ мuddали молиявий қўйималар	1832,0
4.	Моддий қийматлиқлар	592,3
5.	Пул маблағлари	1601,1
6.	Қисқа мuddали молиявий қўйималар	1143,5
7.	Бошқа маблағлар	2052,8
	<b>Жами активлар</b>	<b>10322,9</b>
	<b>Пассивлар</b>	
1.	Устув капитал	2230,0
2.	Заҳира капитал	1186,3
3.	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	1929,2
4.	Келгуси давр даромадлари	221,8
5.	Muddали туғаман шартномалар заҳиралари	3926,4
6.	Тақсимланган фойда	537,7
7.	Бошқа пассивлар	291,5
	<b>Жами пассивлар</b>	<b>10322,9</b>

Компаниянинг бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботларининг ҳақонийлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 21 октябрдаги 00484 – сонли йўриқномасига асосан «Интер – Аудит» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан тасдиқланган.

**Аффилиланган шахслар ҳақида маълумотнома**

И.Ш.Ф.	Асос	Санои	Ақсия сонини ва %
Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги		14.07.2004	75,6
Г.И.Идрисов	Кузатув Кенгаши Раиси	9.03.2004	-
Ф.Э.Идрисов	Кузатув кенгаши аъзоси	6.03.1997	13,19
У.У.Умаров	Кузатув кенгаши аъзоси	26.04.2002	-
И.Х.Нажидов	Кузатув кенгаши аъзоси	26.04.2002	-
К.Ф.Тошпатов	Кузатув кенгаши аъзоси	26.04.2002	-
Р.Д.Магомедов	Кузатув кенгаши аъзоси	26.04.2002	0,09
У.У.Умаров	Кузатув кенгаши аъзоси	26.04.2002	-
П.Р.Калиев	Бошқарув аъзоси	1.12.1997	-
Т.М.Мамедов	Бошқарув аъзоси	18.10.2002	-
Ш.И.Нурматов	Бошқарув аъзоси	2.07.2002	-
А.А.Солтанов	Бошқарув аъзоси	2.07.2002	-
П.Т.Мамедов	Бошқарув аъзоси	24.12.2002	-
Ш.К.Байрақов	Бошқарув аъзоси	24.12.2002	-
В.Ш.Халимов	Бошқарув аъзоси	21.07.2004	-

**ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**  
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

**ШИНАЛАРНИ**

«РОСАВА» ЁАЖ, Украина, Белая Церковь ш.;  
«Днепрошина» ОАЖ, Украина, Днепродзержинск ш.;  
«Омксина» ОАЖ, Россия, Омск ш.;  
«Уралшина» ОАЖ, Россия, Екатеринбург ш.

**ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОФИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН**

(99871) 137-10-61,  
137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

**«Оқтошдон» АЖ акциядорлари диққатига!**

28 март 2005 йилда «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг Низомий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 809520 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акциялар эгалари ёки уларнинг 661458 донга ақсия катнашди.

**Умумий йиғилиш қарор қабул қилди:**

1. Жамият ижро органи 2004 йил молия-хўжалик фаолияти коникарли деб топилди.
2. Жамиятнинг 2004 йил бухгалтерия баланси фойда ва зарарлар камчиликлари кўрсатилган ҳолда коникарли деб қабул қилинди.
3. Жамиятнинг бир донга 200 сўмлик ақсиясига 190 сўмдан дивиденд белгиланди.
4. Жамиятнинг 2005 йилнинг белгиланган бизнес режаси тасдиқланди.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 март 2005 йил ПП-29 сонли 2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида қарори тасдиқланган қабул қилинди.
6. Жамиятнинг янги тарҳидаги Низоми тасдиқланди.
7. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи коникарли деб топилди.
8. Жамият Кузатув кенгаши ҳисоботи маълумланди.
9. Тафтиш комиссияси этиб: 1. Хасанов Абдусамат 2. Илҳомжонов Равшан 3. Жаланов Шавкатлар сайланди.
10. Жамият аудитори этиб «Дунё-аудит» компанияси билан шартнома тўзишга рухсат берилди.

«Оқтошдон» АЖнинг 2004 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича тасдиқланган дивидендларини 2005 йил 1 апрелдан бошлаб тулаш белгиланган.

ХИСОБ-КИТОБ БАЛАНСИ				МОЛИЯВИЙ НАТИЖА			
№	Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив	№	Кўрсаткичлар номи	суммаси	
1	Узоқ мuddали активлар	1688126	-	1	Мақсулоти сотилган тушум	11617871	
2	Айланма активлар	10413619	-	2	Асосий ишлаб чиқариш молиявий натижаси	256686	
3	Ўз маблағи маблағлари	-	1731212	3	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	239880	
4	Жумладан Низом фонди	-	163992				
	Жами пассивлар	11501745	11501745	4	Йиллик соф фойда	163371	

«Оқтошдон» АЖнинг 2004 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича тасдиқланган дивидендларини 2005 йил 1 апрелдан бошлаб тулаш белгиланган.

ЦЕМЕНТ 34,8 ▲ + 0,4    АРМАТУРА 474,0 ▲ + 33,1    МЕДНАЯ КАТАНКА 3834,3 ▲ + 5,7    Символы цен: ▲ – Увеличилась; ± – не изменилась; ▼ – Снизилась; +0,0 на сколько сум

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Республика кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi» очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

2005 йилнинг 19, 26 май ва 2, 9, 16, 23, 30 июн кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг Бинсисда аукцион комиссияси иштирокчида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилди:

1. ГАЗ-31029 русули, давлат рақами 10 АЛ 734, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси – 1.550.000 сўм.
2. ГАЗ-31029 русули, давлат рақами 10 АО 006, 1996 йилда ишлаб чиқарилган. Бошлангич баҳоси – 2.131.000 сўм.
3. «DAMAS-STD» русули, давлат рақами 10 АС 718, 1996 йилда ишлаб чиқарилган. Бошлангич баҳоси – 1.500.000 сўм.
4. ВАЗ-21074 русули, давлат рақами 10 АЛ 133, 1992 йилда ишлаб чиқарилган. Бошлангич баҳоси – 1.074.000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш учун харидор объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пули тулаши шарт.

Аукцион савдоси объект бошлангич баҳосининг қаддам қадамдан ошиши тартибда ўтказилади. Зақалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси «Ўйкўймағармабанк» ш.т.ш. Тошкент шаҳри С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20203000804265383001, код 09001, СТИР 204563716 ўтказилади.

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшима маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 дахаси, М.Уразабов кўчаси, 1-«А» уйи, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 136-26-26.

Тошкент вилояти Гўскент туманидаги 19-мактаб томонидан Пардаев Фахриддин Жияновнинг номига 1997 йилда берилган QR-D № 088479-рақамли шаходатнома йўқолиши сабабли бекор қилинади.

**Олмалик шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси қардор корхоналарнинг мол-мулки ҳисобидан рўйхатга олиниб, хатланган Олмалик шаҳар «Аммофос» ОАЖга тегишли бўлган қуйидаги автомобилларнинг воситалари ким ошди савдоси орқали сотилишини маълум қилади.**

№	Автомашина русуми	Ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошлангич нархи	Ким ошди савдоси ўтказиладиган жой	Ким ошди савдоси ўтказилган куни
1	Ниссантеррано	1995 й. 11АК 095	5200000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
2	Зил-133 ГЯ	1998 й. 11АГ 966	1200000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
3	Газ-5204	1982 й. 11АН 696	300000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
4	КамАЗ-5320	1984 й. 11АГ 967	1500000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
5	Маз-5334 (бензовоз)	1982 й. 11АГ 971	1300000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
6	Маз-64229	1990 й. 11АГ 940	200000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
	Маз-93971 (тиркама)	1987 й. 11В 764			
7	ВАЗ-21044	1995 й. 11АК 087	800000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
8	Нексия	1998 й. 11АК 212	3500000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
9	Нексия	1998 й. 11АК 166	3500000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.
10	Газ-2410	1991 й. 11АК 169	700000 сўм	ЖИБ Олмалик шаҳар суди	29.04.2005 й.

Ким ошди савдосида катнашувчилар диққатига: Юкоридаги автомобилларнинг воситалари ким ошди савдосида катнашиш истигини билдирган юридик шахс ва фуқаролар автомобилларнинг воситаси бошлангич нархининг 10 фоизи миқдордаги туловни Олмалик шаҳар суд ижрочилари бўлинмасининг «Ўйкўймағармабанк» Олмалик шаҳар бўлимидаги 20203000900101008014, ИИН: 201122997, МФО: 00459-сонли депозит ҳисоб рақамига ўтказишларини сўрайди. Аризаларни қабул қилиш учун кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун телефон: 8-261-42846

**«FINANCE CITY» ОАЖ ИК акциядорлари диққатига!**

«FINANCE CITY» Очик акциядорлик жамияти инвестиция компанияси 2005 йил 20 май куни соат 10.00 да акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Йиғилиш Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги майдони, Олмазор мавзеси, 14-уй, 83-хонадонда бўлиб ўтади.

Акциядорларни соат 9.00 дан рўйхатга олиш бошланади. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида катнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2005 йил 20 апрел ҳолатига тузилган.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Кузатув Кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақида ва Кузатув Кенгаши тартибинини тайинлаш.
  2. Бошқарув раисининг 2004 йилдаги молия-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисобот.
  3. Бухгалтерия балансини ҳамда фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
  4. Ривожланиш Бизнес-режасини ва Бошқарув раиси билан шартнома тасдиқлаш.
  5. Тафтиш комиссиясининг хулосасини ва таркибини тасдиқлаш.
  6. Аудиторлик текшируви натижаларини ва жамият аудиторини тасдиқлаш.
  7. Қимматли қорозлар бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш.
  8. Турли масалалар.
- Акциядорлар паспорт билан, вакилар эса нотариус тасдиғидан ўтган ишоннома билан келишлари керак. «FINANCE CITY» ОАЖ ИКда мавжуд бўлган фактлар тўғрисида маълумот Хабарнома рақами - 07
1. Эмитент томонидан Акциядорлар рўйхатини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана - 20.04.05 й.
2. Акциядорлар рўйхати тузилган сана - 20.04.05 й.
- Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги майдони, Олмазор мавзеси, 14-уй, 83-хонадон. Маълумот учун телефонлар: 45-82-25, 144-80-44.

ЧФ «AKROM-GRAND» зарегистрированный в А.Икрамовском районе г.Ташкента (ОКПО 18934105, ОКОНХ 71300) ликвидируется. Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 109-40-33.

Утерянный гос.ордер № 10-02/4389 от 26.01.1993 г. права собственности Азамов Олимжон Шакирович на квартиру, считать недействительным.

**АООТ «КАТТАКУРГАН ЁГ-МОЙ»**

объявляет о проведении очередного Общего собрания акционеров, которое состоится 17 мая 2005 года по адресу: г.Каттакурган, ул.Д.Ишбекова, 121, Дворец культуры. Начало собрания 15.00 часов. Начало регистрации акционеров 13.00 часов

- ПОВЕСТКА СОБРАНИЯ**
1. Отчет Председателя Правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности АО, итогах выполнения Бизнес-плана за 2004 год;
  2. Утверждение бухгалтерского баланса за 2004 год;
  3. Отчет ревизионной комиссии ОАО за 2004 год и его утверждение;
  4. Утверждение заключения независимого аудитора о результатах аудиторской проверки за 2004 год;
  5. Утверждение независимого аудитора ОАО;
  6. Принятие решения о продлении на предстоящий год или прекращении договора найма с председателем правления ОАО;
  7. Распределение чистой прибыли по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год;
  8. Утверждение «Бизнес-плана АООТ «Каттакурган ёг-мой» на 2005 год»;
  9. Утверждение нормативных документов Акционерного общества с изменениями и дополнениями (Положения);
  10. Утверждение размера вознаграждения членам Наблюдательного совета;
  11. Проведение выборов в состав Наблюдательного совета ОАО;
  12. Проведение выборов в состав ревизионной комиссии ОАО;
  13. Утверждение изменений в Уставе акционерного общества (по привлекательным акциям, оптовой и розничной торговле);
  14. Утверждение решений НС о долгосрочных вложениях в организацию ООО.
- Список акционеров для участия в общем собрании акционеров составлен на 1 апреля 2005 года

**Бухгалтерский баланс на 01.01.2005 год**

Наименование показателей	актив тыс.сум	пассив тыс.сум
Остаточная стоимость основных средств	1469683	
Остаточная стоимость нематериальных активов	656	
Долгосрочные инвестиции	1158555	
Оборудование к установке	20756	
Производственные запасы	2372086	
Расходы будущих периодов	3755878	
Дебиторские средства	16517	
Долгосрочные обязательства	1397578	
Уставной фонд		129905
Резервированный капитал		110436
Добавленный капитал		914657
Нераспределенная прибыль		283377
Целевые поступления		189636
Долгосрочные обязательства		7950061
Кредиторские средства		2613637
Баланс	12191709	12191709

**Отчет о финансовых результатах за 2004 года**

Наименование показателей	доход тыс.сум	расход тыс.сум
Чистая выручка от реализации продукции	8446604	
Собственная реализованная продукция		7179479
Расходы по реализации		238273
Административные расходы		72375
Прочие операционные расходы		1048673
Прочие доходы от основной деятельности	195633	
Доходы в виде дивидендов	151	
Доходы от валютных курсовых разниц	9760	
Прочие доходы от финансовой деятельности	9910	
Расходы по финансовой деятельности		27322
Прибыль до уплаты налога на доходы	105936	
Налог на доходы (прибыль)		83220
Прочие доходы и сборы от прибыли		1817

По вопросам повестки дня собрания обращаться в Наблюдательный совет АО

**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ**

**Бекобод туман суд ижрочилар бўлинмаси**

томонидан қардор корхоналарнинг мол-мулки ҳисобидан хатланган «Улуғбек» ширкат хўжалигига тегишли бўлган «Нексия» русули, давлат белгиси 11АН 151 рақамли, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич нархи 3.700.000 сўмлик автомобилнинг воситаси 2005 йил 29 апрел кунини ким ошди савдоси орқали сотувага чи

